Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 14 январь •сешанба • № 9 (4294)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Турдиев Алишер Талибович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Бузруков Лутфулла Юсупович – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

Исмаилов Тимур Камалатдинович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлиғи

Мажидов Улугбек Абдувохидович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Рашидов Алишер Абдумажидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

Тешабоев Мурод Ойхўжаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бя Юрий Ярославович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Захидов Абдурасул Абдусаттарович – «Discover Invest» масъулияти чекланган жамияти директори

Земсков Александр Юрьевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Мирвохитов Мирсаид Мирфатух ўғли – «Natural Houses» масъулияти чекланган жамияти директори

Миргалиев Асхат Осатович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўқув маркази катта йўриқчи-ўқитувчиси

Мирханов Умид Сапарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Тургунов Илхом Тургунович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Косимов Равшан Норкобилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Маматмусаев Мирзокул Мавлонқулович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

Отақўзиев Шуҳратжон Нурмухаммадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

Рахмонов Рахматулло Бозорович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Собиров Ботиржон Зокирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

2 ▸

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 январь куни электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Электр энергетикаси иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини кўпайтириш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Ўша йилнинг 27 мартидаги Президент қарорига асосан, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ислоҳ қилиниб, унинг негизида «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари ташкил топди.

Ўтган йили мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди.

Жорий йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард киловатт-соатни ташкил этиб, ўтган йилгига нисбатан ўртача 9 фоизга, яъни, иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳолиники эса 8,5 фоизга ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда ушбу эҳтиёж қайси манбалар ҳисобидан қопланиши, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 2020 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ, сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидро электр станцияларида 120 мегаватт қўшимча қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттли буғ-газ қурилмалари, 400 мегаваттли шамол ва шунча қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар шакллантирилган.

Йиғилишда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарздорликни бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими бу борада яхши самара бераётгани қайд этилиб, «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига йил якунига қадар яна 4 миллион 500 минг дона замонавий ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу бўйича мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

Соҳадаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида электр энергиясининг рақобатли улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-хусусий шериклик тамойили асосида инвесторларни жалб қилиш ва бунда давлат улушини босқичма-босқич камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳани ривожлантиришнинг узоқ истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Шу боис Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда умумий қуввати 7 минг 900 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр станцияларини ишга туширишни бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, инвесторларни жалб қилган ҳолда, 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидро электр станциялари қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш, кичик гидро электр станциялар барпо этишни хусусий секторга бериш юзасидан вазифалар белгиланди.

Мутасадди ташкилотларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда электр энергияси соҳасида замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа корхоналари раҳбарлари ҳисобот берди, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎзА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС РАИСИ САЙЛАНДИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИ ТАЙИНЛАНДИ

2020 йил 13 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сайловдан кейинги биринчи сессияси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан **Ерниязов Муса Тажетдинович** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан **Сариев Кахраман Раматуллаевич** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига тайинланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Мажлиси
ҚАРОРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойини чақириш тўғрисида

2



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ш.Қ.АБДУРАХМАНОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Абдурахманов Шухратбек Кушақбаевич** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ў.И.БАРНОЕВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Барноев Ўктам Исоевич** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Э.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Салиев Эргаш Алибекович** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

З.Т.МИРЗАЕВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Мирзаев Зойир Тоирович** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

К.Б.ТУРСУНОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Турсунов Кобул Бекназарович** Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Х.Х.БОЗАРОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Бозаров Хайрулло Хайитбаевич** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

З.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Турдимов Эркинжон Оқбутаевич** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Ф.Ф.МИРЗАЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Мирзаев Ғофуржон Ғаниевич** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Т.А.БОБОЛОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Боболов Тўра Абдиевич** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Р.Қ.ХОДМАТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Холматов Рустам Курбонназарович** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Ш.М.ҒАНИЕВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Ганиев Шухрат Мадаминович** Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Ф.У.ЭРМАНОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эрманов Фарҳод Уразбоевич** Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Ж.А.АРТИКХОДЖАЕВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ **Артикходжаев Жахонгир Абидович** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◂1

Тўрахонов Қахрамонжон Эркинович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Ҳакимов Рамазон Салимович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Азизхон Тохиржон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Абдуллоев Салим Шокирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Абидов Мурод Мирвахидович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси отряд командири

Алимов Шерзод Боходирович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Бурибаев Нурали Зулхайдорович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Дуланов Мирзохид Махамадалиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

Жабборов Жаҳонгир Сотиболдиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Жалилов Жамшид Норкузиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Жўраев Ахрол Ахатуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Исматуллаев Бархает Сойибович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

Йигиталиев Ойбек Аскаралиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командири

Йигиталиев Шокиржон Зухриддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

Мунтурганов Байрамбек Женисбаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

Норалиев Журабек Эралиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Ражабалиев Санжар Эшмуродович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бўлим бошлиғи

Рахмонов Хусен Искандарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряд командирининг биринчи ўринбосари

Сидиқов Ғолибжон Рахимбердиевич – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

Умурзаков Журабек Набижонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Хожиматов Мадёрбек Турсунбоевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Хўжаев Дадахон Илҳомович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқармаси сафдор ходими

Юсупов Мухтар Бекчанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахманов Яхё Хусанович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бошқармаси бошлиғи

Абдухамидов Мадаминжон Мухаммаджонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби штаб бошлиғининг ўринбосари

Авезбердиев Дилшод Реджапбаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Адизов Зохид Рашидович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Азимов Ихволжон Омонбаевич – Фарғона вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

Асфандияров Рамиль Рустамович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизмат бошлиғи

Ахмадалиев Рашит Мусинович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғи

Ахмедов Зафаржон Азамович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Балхиев Нуриддин Исамитдинович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Фориш тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Бобоназаров Бекзод Бахтиёрович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

Бозоров Ўктам Турмухаммадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси катта офицери

Бозоров Эрали Хабибуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Гуломов Фахриддин Шакирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси бошлиғи

Ибрагимов Искандар Икромович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони командири

Исаев Баходир Усманович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Кадиров Камиль Шамильевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи

Кадиров Шаухат Жанабаевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

Касимов Гайрат Ташкенбекович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти раисининг ўринбосари

Кодиров Хотам Шакирович – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг иккинчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили

Кудратов Ўктам Гофурович – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлиғининг ўринбосари

Мамарасулов Равшан Рустамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси «Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонаси директорининг ўринбосари – бош муҳандиси

Мўйдинов Алижон Ахмаджонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи взводи командирининг ёрдамчиси

Нормаматов Муродбек Ибайдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Палванов Шакир Базарбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лабораторияси катта лаборанти

Расулов Хусниддин Холмуродович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири – қоровул бошлиғи

Рахманов Хондамир Парманкулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

Рахматов Дусёр Джалолович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

Реймов Максетбай Жолдасбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

Тўраев Зафаржон Турсунпўлатович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг биринчи ўринбосари

Турсунов Кодиржон Мухаммаджонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедраси бошлиғи

Тухтасинов Икболжон Иномжонович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари алоҳида батальони командири

Хабиев Илдар Рашидович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Хамроев Бахшилло Ғайбуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

Ҳамроев Камолжон Каримович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ғиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Хусенов Хамза Исмоилович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Пешку тумани бўлими профилактика катта инспектори

Юлдашев Исмойилжон Жураевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедраси профессори

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуқаххаров Қобулжон Абдугоппор ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

Аллаберганов Махсуд Жуманязович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи

Алметов Шерзад Болтабаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бош инспектори

Астанкулов Отабек Тохирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мобил бошқарув пункти катта техниги

Ачилов Мансур Сувонбоевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

Бекмурзаев Акмал Абдуалиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

Бобомурадов Зоҳиджон Закирович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хоразм вилояти бўйича бошқармаси отряд командири

Вахидов Абдукадир Исакович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Жонқобилов Акмал Файзуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

Исақов Элмуроджон Изатилло ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

Исматов Икромжон Парпиевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бўлими бошлиғи

Курбанов Бахром Фазлитдинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Матякубова Агата Рустамовна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди командири

Машарипов Рўзибой Рахимович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейи директори

Мирзаев Шахбоз Шавкатжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

Мухторов Илхом Мухторович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи

Раҳматов Баҳодир Эсиргапович – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Рахматов Мирзохид Холтураевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи қоровул бошлиғи

Рахмонов Нурзодбек Эргашбоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

Салаев Хамза Аббазович – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

Санаев Шухрат Музаффарович – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

Саттаров Азизбек Тоирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандис-қурилиш бошқармаси батальони командири

Сулайманов Зафарбек Сахибжонович – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

Танимова Гоззал Мауленбергеновна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи офицери

Ташев Жасурбек Хакбердиевич – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Тожибоев Диербек Еркинович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби маркази бошлиғи

Туев Исроил Исмоилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Убайдуллахужаева Ойдиной Ҳамидуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм маркази мутахассиси

Усманов Александр Раҳимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими мутахассиси

Ҳайдаров Абдуғаффор Мажидович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

Халимов Эркин Халилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти

Шарипов Алишер Абдунабиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

Элмуродов Бекзод Тоштемирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчи-йўриқчиси

Эшонкулов Одил Алламуратович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта йўриқчиси

Юсупов Саиджон Нематович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 январь

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Мажлиси
ҚАРОРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Уставининг 4.5.3.-бандига асосан Федерация Кенгашининг VI мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойи 2020 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Қурултой ўтказиладиган аниқ кунни белгилаш ваколати Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раёсатига берилсин.

II. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойи кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2016-2020 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссиясининг 2016-2020 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонунидан келиб чиқиб касаба уюшмалари Федерацияси Уставига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

5. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисини сайлаш тўғрисида.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

7. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.

8. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисида.

9. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойи делегатларининг республика касаба уюшмалари аъзоларига мурожаати тўғрисида.

III. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойига тармоқ касаба уюшмалари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларининг ҳар биридан 10 нафардан вакил (делегат) сайланиши ва уларни сайлаш тегишли қурултойлар, конференцияларда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

IV. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини шакллантиришнинг қуйидаги тартиби белгиласин:

тармоқ касаба уюшмалари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари ўз қурултойлари, конференцияларида Федерация Кенгаши аъзолигига икки нафардан вакил сайлайдилар;

Федерация Кенгашининг қолган аъзоларини сайлаш ва унинг сон таркибини белгилаш Қурултой ваколатига киради.

V. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, ишчи гуруҳлар таркиби 2-иловага, Қурултойга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

VI. Федерация Кенгашининг Раёсатига Қурултойга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини тасдиқлаш, Қурултойга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Ташкилий қўмитага зарур ҳолларда мазкур қарорнинг 3-иловаси билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига ўзгартишлар киритиш ваколати берилсин.

VII. Ташкилий қўмита (Б.Маҳмадалиев) Қурултойга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, шунингдек, **2020 йил 20 июнгача бўлган муддатда тегишли ишчи гуруҳлар томонидан:**

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонунидан келиб чиқиб касаба уюшмалари Федерацияси Уставига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар лойиҳаси;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари лойиҳаси ишлаб чиқилишини ҳамда аъзо ташкилотларнинг қурултойлари, ҳудудий бирлашмаларнинг конференциялари муҳокамасига олиб чиқиш учун касаба уюшмалари Республика кенгашлари, ҳудудий бирлашмаларга етказилишини таъминласин.

VIII. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси кенгаши, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари конференция, қурултойларда юқорида қайд этилган ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамасини уюштирсин, лойиҳалар юзасидан делегатлардан тушган таклифларни умумлаштириб, 2020 йил 10 сентябргача бўлган муддатда тегишли ишчи гуруҳларга тақдим этсин.

IX. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг бўлимлари:

2020 йил 20 июнгача бўлган муддатда бўлим фаолияти йўналишида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда уларга тааллуқли слайд, диаграмма, жадвалларни тайёрлаш ишларини якунига етказсин ва Ташкилий ишлар бўлимига тақдим этсин;

Федерация Қурултойига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланган муддатларда сифатли бажарилишида ишчи гуруҳларга амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

X. Ушбу қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нашри «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида чоп этилсин.

XI. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси **Қ.РАФИҚОВ**

НАНОТЕХНОЛОГИЯ: тараққиётми ёки таназзул?

«Нано» «ўта митти» деган маънони англатиб, нарса ва ҳодисаларнинг миллиарддан бир қисмига тегишли жиҳатларни назарда тутади. Нанотехнология эса атомлар кўламидаги жараёнларни тадқиқ этиш асосида ишлаб чиқилган технологиядир. Микротехнологиядан нанотехнологияга ўтиш ҳужайра ёки атомларни ташкил этувчи зарраларнинг ҳам номаълум хоссаларини билишга йўл очади.

Ҳар бир давр ўзига хос белги-ю хусусиятларга, ўз қадриятларига эга. Шунга кўра асримиз ибтидосини нанотехнологиялар даври дейиш мумкин. Хўш, сайёрамиз узра кезиб юрган бу мавҳум «шарпа» илмда ва ижтимоий ҳаётда қандай натижаларга (ёхуд оқибатларга) олиб келади?! Табиийки, бу саволга фақат вақт жавоб беради. Шу боис, ушбу муаммонинг айрим жиҳатларигагина тўхталсак:

1. Инсониятнинг неча фоизи нанотехнологиядан, янада кенгроқ маънода айтганда, наноилмдан чиндан ҳам хабардор – яъни уни бевосита тушуниб, тафаккур қилади? Ўз навбатида, мазкур соҳа кишилари шу илм кун тартибига қўйган муаммоларнинг барини етарлича англашга қодирми?!

2. Фан баъзи олимлар даъво қилаётган марра – ҳақиқатни билишнинг сўнгги чегарасига ҳали етиб келгани йўқ. Аксинча, илм аҳли борлиқни англаш остонасида унинг дебочаси саналган наноолам суратини томоша қиляпти, холос. Ҳозиргача наножараёнларни тавсифловчи мукаммал назария яратилган эмас. Чунки ушбу жараёнлар сабабчиси – нанозарраларнинг ўзаро таъсир табиати одамзод учун қоронғулигича қолмоқда. Бу тўғрида жузъий тахмин, фаразларгина мавжуд.

3. Нанотехнология ривожи башариятга нима беради – рўшноликми ёки таназзул?! Агар маърифат йўли танланса, нанофизика, нанокимё, нанотиббиёт каби нанофан йўналишлари доирасида ҳайратомуз қурилмалар яратиш, ноёб моддалар, шифобахш ҳужайралар ҳосил қилиш имкони туғилади. Акс ҳолда, шу фан ютуқларидан кишилар ақлий фаолиятини бутунлай издан чиқариш, махсус нанокукунлар орқали оммавий равишда давосиз касалликларни тарқатиш каби ғаразли ниятларда фойдаланиш ҳам мумкин.

Бизнингча, юқорида келтирилган уч саволга қуйидаги жиҳатлар замирида жавоб топса бўлади:

1) Инсон фаолиятида моддиётнинг, шу жумладан, илмий ютуқларнинг маънавий омиллар билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш;

2) Бу уйғунликнинг дастлабки шарти ёшлар таълими ҳамда тарбияси эканлиги;

3) Фан сатҳида фақат энг замонавий, ишончли, асосийси, фойдали билимларгагина ўрин қолдириш.

НАНОБИОФИЗИКА ВА НАНОТИББИЁТ

Инсон ҳаётда ақалли бир бор ўз кайфияти, руҳий ҳолати, ижодий кучи, жисмоний қуввати **қандай омиллар билан белгиланиши ва бошқарилиши** ҳақида ўйлаб кўрармикин?! Киши лоақал ўз шахсига ҳурмат нуқтаи назаридан ҳам шу масала тўғрисида бош қотирмоғи жоиз. Зеро, инсон – онгли мавжудот. Шу боис, у мавжудлик сабабини билмоққа интилиши табиий.

Ҳозир айрим олимлар кенг тарғиб этаётган «Ўз-ўзидан шаклланиш» назарияси бизнингча, табиат ҳодисаларини наноилм воситасида ғайриилмий йўсинда «асослаш»га уринишдир. Чунки бу назария тарафдорлари охир-оқибат бир ҳақиқатни тан олишларига тўғри келади: табиатда юз берувчи жараёнларни инсон иродасига боғлиқ бўлмаган ички сабаблар бошқаради. Яъни тасодифдек туюлувчи ҳодисалар ҳам, аслида, бизга номаълум таъсирлар оқибатидир.

Юқорида кўтарилган масаладан яна шундай хулоса келиб чиқади: борлиқни ВАҚТ бошқаради. Айнан вақт ҳодисаси билан алоқадор хронометрия деган махсус фан табиий жараёнларнинг даврий давомийлигини тадқиқ этади. Жумладан, у биз муҳокамасига киришаётган нанобиофизика ва нанотиббиётга ҳам бевосита таллуқли бўлиб, мазкур илм тирик мавжудотлар (ёки умуман олганда, биотизимлар) даги ҳолат ўзгаришларини ўрганадиган *замонавий биоритмология ва биохронометрия* дея аталувчи тиббиёт фанларига асос вазифасини ўтайди.

Хўш, биофизика ҳамда медицина бир-бирига ўхшаш одамларнинг турли ҳис-туйғулари, яъни ташқи таъсирга жавобини қандай тушунтиради? Оқибати қанчалик ғалати туюлмасин, ҳали илм-фан ушбу масалага тўла ойдинлик киритган эмас. Чунки бу янглиғ жараёнлар одамнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз беради. Аммо сўнгги икки аср давомида чиқарилган ушбу илмий хулосани эътироф этмоқ лозим: инсондаги ақлий, ҳиссий ва жисмоний тезкорлик (ёки суръат)ни бошқарувчи турли ҳужайралар (тола ёки тўқималар)да *уйғониш вақти* бўлиб, у ташқи таъсир энергияси ҳамда ички энергия боғлиқ.

Фикримизни соддароқ ифодаласак. Кўзнинг ёруғликни сезиши учун ҳам энг кичик вақт давомийлиги мавжуд. Бироқ биз нурни ушбу вақт бирлигидан каттароқ вақт давомийлигидагина кўра оламиз. Чунончи, моҳир теннисчи Роже Федерер ҳам ўзига қарата икки метр масофадан берилган, секундига эллик метр тезликдаги зарбани қайтаришга улгура олмайди! Чунки ҳаммамиз мактаб таълими орқали яхши биладиган «вақт = масофа/тезлик» ифодасига кўра зарбанинг етиб келиш давомийлиги юздан тўрт сонияни ташкил қилади. Ҳолбуки, биохронометрия фани маълумотлари бўйича одамнинг энг қисқа реакция (яъни ташқи таъсирга жавоб) вақти эллик миллисекунд ёки юздан беш сонияга тенг. Шу нуқтаи назардан чанғида соатига 180 километр (сониясига эллик метр!) тезликда ҳаракатланган афсонавий автопойгачи Михаил Шумахернинг тўсиққа урилиб, мияси чайқалгани бежиз эмас. У қанчалик абжир бўлмасин, юқорида айтилган сабаб боис ғовни айланиб ўтишга улгурмасди.

Худди шунингдек, атомнинг ўртача уйғониш вақти 10 наносекундга тенг. Яъники, бир сония ичида бундай жараёнлар миллиард (!) марта содир бўлади. Табиийки, биотизимлардаги ҳужайраларнинг уйғониш вақти тақрибан 1000 марта катта. Бошқача айтганда, у 10 микросекундни тақозо этади. Бу муддат ҳужайранинг «умр давомийлиги» ҳамдир!

Юқоридаги ҳисоб-китоблар вақтнинг нақадар тез ўтувчан эканлигини тасаввур этиш учун етарли. Бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳам айнан вақт омилидир. Ривожланган қатор давлатларда биоритмология ёрдамида спортчилар, тезкор хизмат ходимларининг реакция вақтларини қисқартиришнинг махсус усуллари кенг қўлланмоқда.

Нанобиофизика ва нанотиббиёт фанлари доирасида эса инсон миясида пайдо бўлувчи уйғонишлар (ёки импульслар) давомийлигини бошқара олиш имкониятлари устида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Чунки бунинг самараси ўлароқ нафақат квант компьютерлари, балки ўта тезкор био-нанонейронлар ҳам яратилиши мумкин. Ўз ўрнида мазкур омил адоғи йўқ ахборот «қуюн»ига ғарқ бўлаётган асримиз учун ғоят муҳим. Зеро, Нақшбандия тариқатида айтилганидек, «Тасаввуф вақтни энг керакли ишга сарфламоқ илмидир!»

> ***Нанотехнология ривожи башариятга нима беради – рўшноликми ёки таназзул?! Агар маърифат йўли танланса, нанофизика, нанокимё, нанотиббиёт каби нанофан йўналишлари доирасида ҳайратомуз қурилмалар яратиш, ноёб моддалар, шифобахш ҳужайралар ҳосил қилиш имкони туғилади.***

АВВАЛ ҚАЛБ УЙҒОНАР, СЎНГ ЭСА ИДРОК

Энди барча тирик организмлар, умуман олганда биотизимлар мавжудлигини таъминловчи нано – модда – энергия алмашинуви жараёнларига эътиборни қаратсак. Мазкур жараёнлар жамики жонзотлар (шу жумладан, инсон) истеъмол қилган емиш-у ичимликларни, Қуёш нурларини организмдаги толалар, мушаклар, ҳужайраларга сингдириб, нанокўринишга олиб келиш жиҳатидан аҳамиятлидир. Бу ҳол ҳазм бўлган озиқ ошқозонга тушса-да, юракка етиб бормаслигини англатади. Чунки юракнинг муттасил ишламоғи учун унга мос узлуксиз модда – энергия таъминоти зарур. Табиийки, бундай эҳтиёж асаб ҳужайралари – нейронлар, оқсил «занжир»лари, тола ҳужайраларида ҳам мавжуд. Хўш, биотизимлардаги ушбу заррачаларга керакли миқдордаги модда ва энергия қандай восита орқали узатилади?!

Бу саволнинг жавоби шуки, биз таъкидлаётган ўша восита биофизика, биоэнергетика ва нанотиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари бўйича солитонлар, яъни зарра табиат тўлқинлар экан. Фанга маълум одатдаги чизиқли ёки гармонал тўлқинлар эса бу ишга «ярамайди». Чунки модда-энергия зарур ҳужайрага етиб бормай, «йўл»даёқ «нобуд» бўлади.

Айни чоғда ўша уйғониш-у таъминотни тавсифловчи ночизиғий Шредингер тенгламаси, шу ҳодисаларни кўзда тутувчи ноодатий солитон ечимлар ва бошқа характерли жиҳатларга батафсил тўхталишнинг имкони йўқ. Шу боис мавзуга бевосита алоқадор қуйидаги муҳим маълумотларни келтириш билан чеклансак: оқсил «занжир»ларида тарқалувчи бу тўлқинлар тезлиги тасаввурга сиғмас даражада улкан (секундига 10000 метр!)дир. «Шумахер тезлиги» эллик метр сония тезликдан икки юз марта катта. Толалар орасидаги ўртача масофа эса икки юз нанометрга тенг. Демак, бизга маълум «вақт = масофа/тезлик» формуласига биноан биосолитонлар томонидан «ташиладиган» энергиянинг бир оқсил тўқимасидан иккинчисига қадар кечувчи суръати ақл бовар қилмас лаҳзани – юздан икки наносекундни (!) ташкил этади. Улар ташийдиган энергия миқдори ҳайратомуз даражада кичик – юз миллиарддан уч наножоулга тенг бўлса-да, шунинг ўзи ҳужайралар учун етарлидир. Бундан катта миқдорда энергия тўпланишига эса табиат қонунлари йўл қўймайди. Жайдари айтганда, ҳужайранинг энергетик «ризқ»и ҳам шу.

Ушбу маълумотлар калтабинлик, шошма-шошарлик орқасида айрим чаламулла «олим»лар томонидан «етиб бўлмас чўққи» ва ёки «мантиқсиз илм» дея аталган наноилм аслида нисбатан содда экани билан биргаликда чуқур мантиққа асосланишининг ҳам далилидир. Демакки, инсон заковати асоси – асаб нейронлари ҳам тақрибан худди шундай уйғониш энергиясига эга. Айнан шу энергия одамзоднинг қуввайи ҳофизаси ва ақлий салоҳиятини белгилаб беради.

Шу ўринда ижодий куч ва яратувчилик қобилиятини бошқарувчи марказ бўлмиш мияда юз кўрсатадиган аксон тўлқинлари, физиклар тили билан айтганда, таъсир зарраларининг хусусиятларига қисқача тўхталсак.

Нанофизика ҳамда нанотиббиёт фанлари нуқтаи назаридан инсон миясини асаб ҳужайралари мажмуи ёки нейронлар занжири сифатида тасаввур қилиш мумкин. Мазкур қараш бизга ақлий фаолият нанофизикасини тушунишга йўл очади. Бунинг учун нанонейрон занжирларида тарқалувчи наноаксон тўлқинларнинг хоссаларини тадқиқ этиш лозим.

Нейронлар наноэлектрофизикасидаги тадқиқотларга кўра таъсир кучланиши, яъни аксонларни уйғотиш учун зарур потенциал йигирма милливольтдир. Бу кучланиш биз ишлатадиган 200 вольт кучланишдан 10000 (!) марта кичик. Унга мос уйғониш энергияси эса тақрибан триллиондан уч наножоулга тенг. Ўз навбатида, ушбу энергия оқсил занжирлари бўйлаб тарқалувчи биосолитонлар энергиясининг ўндан бир қисмига баробар.

Нейронларнинг ўртача ўлчами ўн нанометр бўлиб, у оқсил занжири ўлчамидан йигирма марта кичик. Миядаги таъсир-аксон тўлқинларининг тарқалиш тезлиги эса секундига йигирма метрни ташкил қилади. Биосолитонлар тезлиги бу тезликдан беш юз баробар юқори. Шу тариқа аксонларнинг «кўзғалиш» вақти инсон онг-у шуури қабул қила олмас сиғимга етади. Яъни, у ярим наносекундир!

Бундан шундай тўхтамга келдик: *аввало, юрак – қалб, кейин эса ақл – мия уйғонар экан!!!* Боиси, аксонларнинг уйғониш вақти оқсил занжирларидаги биосолитонлар «уйғониш»идан йигирма беш марта тез.

Нақшбандия таълимотида «Ҳамма нарса қалбдан бошланади» дея таъкидланиши бежиз эмас.

Мустақим ЖУМАЕВ,
Бухоро муҳандислик-технология институтининг «Физика» кафедраси доценти

Олам ва одам

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ:
Мустақим Жумаев 1983 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Халқаро назарий физика маркази (1994 й.), Италиядаги Ядро тадқиқотлари бирлашган институти (2004 й.), Россия ФА Радиотехника ва электроника институти (2019 й.)да илмий фаолият кўрсатган. Айни вақтда Бухоро муҳандислик-технология институтининг «Физика» кафедраси доценти.

Ҳикмат

Оқибат сабабдан олдин кела олмайди!
Альберт Эйнштейн

Қадрият

Миллий ўйинларни авлодларга қолдирайлик!

Тарихга назар солсак, халқимизнинг миллий ўйинлари нафақат қизиқарли экани, балки зукколикка ва фикрлашга ўргатиши билан ҳам ажралиб турганини кўриш мумкин. Шундай ўйинлар авлоддан авлодга ўтиб келиши учун биз катталар бугун уларни болаларимизга ўргатишимиз зарур.

ЎЙИНЛАР НИМА?

Ўйинлар – халқнинг табиий ва тарихий эҳтиёжи сифатида шаклланган. Аниқроғи, ҳар бир шахс ўйинга нисбатан ўзида кучли эҳтиёж сезган. Шу боис, инсонлар ўз машғулотлари, меҳнати, яшаш шароити ҳамда ижтимоий муҳитдан келиб чиққан ҳолда ўйинларни яратишган. Халқ ўйинлари бўш вақтни унумли ва мароқли ўтказишга қаратилган, ҳар бир шахсни ақлан расо ва жисмонан соғлом бўлишга ундайдиган, кўтаринки руҳ ҳамда кайфият улашувчи, мардликка, эпчилликка, чаққонликка, қолаверса, эзгуликка чорловчи тарбия воситасидир.

МАНБАЛАР

Бизгача етиб келган халқ миллий ўйинлари ҳақида бир нечта олим-у мутафаккирларимиз қимматли маълумотлар ёзиб қолдиришган. Хусусан, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит-турк» асарида халқ ўйинларнинг 150 га яқинини тилга олиб, улардан 20 тасига таъриф беради.

Бундан ташқари, «Авесто»да ҳам бир қанча олов ўйинлари ҳақида маълумот берилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида ҳам миллий ўйинлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

АҲАМИЯТИ

Миллий халқ ўйинлари: педагогик, психологик, тарбиявий, жисмоний аҳамиятга эга. Унинг ҳар бири бола тарбиясида кенг қўлланилган. Зеро, қадимдан ота-боболаримиз фарзандларининг жисмонан бақувват, зийрак, чидамли бўлишлари учун турли ўйин турларини кашф этишган. Мисол учун, иккала қўлига данак яшириб, унинг жуфтми, тоқмилигини топишга ундайдиган «жумутоқ» ўйини болаларни сезгирликка ўргатса, «чиллик» ўйини ҳушёрлик ва мерганликка ўргатиб, болаларнинг жисмонан бақувват бўлиб ўсишига ҳисса қўшган. «Пиёда пойга» чаққонликка, «сипол» эса эпчилликка, икки киши орқага ўгирилиб, қўлини бир-бирининг орасидан ўтказиб, елкасини теккизган ҳолда бирин-кетин бир-бирини кўтарадиган «сандиқча» ўйини эса чидамли ва иродали бўлишга ундаган.

ЎЙИН ТУРЛАРИ

– **овчилик ўйинлари** (ганг, жамбил, лаппак, ошиқ, хаппак, чиргизак ва бошқа);

– **чўпон ўйинлари** (тўптош, кўтарматош, эчки ўйин, чўпон ва шоқол, қадама таёқ, чиллик, подачи, чанта, чув-чув каби);

– **ҳунармандлик ўйинлари** (дандарак, чархпалак, беш бармоқ, ланка, чиғириқ, варрак, сартарош, кўз боғлар ва бошқа);

– **деҳқончилик ўйинлари** (палахмон, жон бургам, сомон сепди, чаноқ ўйин, шафтоли шакар, қўрқчи ва бошқа);

– **тақлидий ўйинлар** (хола-хола, топалоқ, ким олади-ё, айиқ ўйин, хўроз уриштириш, оқсоқ турна, босари, асалари, ғозлар ва бошқа);

– **ҳаракатли ўйинлар** (чўнка шувоқ, чим отиш, ким тез, хуркач, туфалоқ, чори чамбар, мушук-сичқон, ёғоч оёқ, дурра солиш, ҳалинчак ва бошқа);

– **сўз ўйинлари** (ким чаққон, болқон-болқон, ботмон-ботмон, жуфтми-тоқ, оқ қуёним аломат, оқ теракми, кўк терак, пирр этди ва бошқа);

– **йиғин ўйинлари** (гап-гаштак, тўпиқ ўйин, подшо-вазир, подшо-ўғри ва бошқа);

– **кураш ва у билан боғлиқ ўйинлар** (миллий кураш, полвонбозлик, елкада кураш, бел олиш ва бошқа);

– **чавандозлик ўйинлари** (чавгон, улоқ-кўпкари, пиёда пойга, олтин қобоқ, шоғулоқ, қиз қувиш, эшак минди вабошқа).

ҲАР БИРИ АЛОҲИДА САНЪАТ

Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган шундай миллий ўйинлари борки, улар ёш авлоднинг жисмоний бақувват, маънавий етук бўлиб улғайишига хизмат қилиб келмоқда. Мисол учун, кураш ўйинлари болада ор-номус туйғусини кучайтиради. Арқон тортишув, ёғоч оёқда юриш, қиз қувмоқ каби кўплаб миллий ўйинлар қадим замонлардан то шу бугунга қадар халқ орасида жуда севимли ва ардоқли бўлиб келмоқда. Айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида хилма-хил серҳаракат «Оқсоқ қарға», «Оқ теракми – кўк терак», «Беш тош», «Рўмол ташлашма» каби кўплаб ўйинлар ҳозирда ҳам болалар томонидан севиб ўйнаб келинмоқда.

Миллий қадрият бўлмиш халқ ўйинларини чуқур ўргатиш, янада оммалаштириш ва фарзандларимизга ҳам бу миллий ўйинларимизни келажакда узлуксиз, изчил давом эттиришга ёрдам бериш лозим. Бу ўзликни англашга хизмат қилади.

НОДИРАБЕГИМ
тайёрлади

Эълон

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

I. 2020 йил 29 январь куни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга «Агробанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 08.01.2020 йилдаги № 22-11/7-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари такроран алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда:

1. 2012 йилда и/ч, д/р 01 951 GCA бўлган «ISUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус. Бошланғич баҳоси – 121 654 654 сўм.

2. 2012 йилда и/ч, д/р 01 948 GCA бўлган «ISUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус. Бошланғич баҳоси – 121 654 654 сўм.

3. 2015 йилда и/ч, д/р 01 845 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.

4. 2015 йилда и/ч, д/р 01 847 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.

5. 2015 йилда и/ч, д/р 01 846 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нархининг 0,5 фоизи миқдорида комиссион йиғимини тўлаб беради.

Аукцион савдоси 2020 йил 29 январь куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 5 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2020 йил 29 январь кунидаги савдо учун 28 январь, 5 февраль кунидаги савдо учун 4 февраль кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842710001, банк: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қуйилган мулклар билан банк ходими иштирокида жойида чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. **Тел:** (99) 862-16-71. **E-mail:** bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома № 576174.

Эълон

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан «Халқобод» ҚФЙ, «Уч ёғоч» маҳалласидаги рақамсиз уй эгаси Мирзалиева Меҳмоной (марҳума) номига берилган барча кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Муқаддас бурчга садоқат, мардлик ва адолат тимсоли

Биз сизлар билан – ана шундай ғоят масъулиятли ва олижаноб вазифани шараф билан адо этиб келаётган мард ва жасур, эл-юртга садоқатли ўғлонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Зулфия МЎМИНОВА

Ватан байроғини ўпган йигитлар

Шукур, сиз урушга кетганингиз йўқ,
Шукур, сиз тинчликнинг аскарларисиз.
Дуо қилаётган юртга бир қаранг,
Сиз унинг тожисиз, гавҳарларисиз,
Талотўп вокзалнинг бир чеккасида
Сизга қарайвериб ўйлайвердим жим,
Юрт сенга ишонар, алпкелбат укам,
Юрт сенга ишонар, шарткесар иним.
Вокзал кулгу, ҳазил, севинч ёшлари
Кезар нон ҳидидек азиз хаёллар.
Энди, сиз кетгандан келгунингизча
Тиканлар устида ётмас аёллар.
Энди ғурур билан боқар оталар,
Юрак гулханидан кўздаги ўтлар.
Энди фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.
Келинчак кирмаган йўлинг соғ қайтсин,
Куёв белбоғ боғлар белинг соғ қайтсин.
Беғубор дилингда ҳарбийда ўсган,
Ватан меҳри деган гулинг соғ қайтсин,
Илоё соғ қайтсин қора кўзларда
Ғурур гулханидан чақнаган ўтлар,
Ахир фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.

Тошкент вилояти | Дахлдорлик

Касаба уюшма ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан Тошкент вилоятида ҳам бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Касаба уюшмалари ҳарбийларга!

Вилоятдаги бошланғич ташкилотларда «Ватанимга таянчман», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир» мавзуларида «Маънавият соатлари», давра суҳбатлари учрашувлар ташкил этилди.

Меҳнат жамоаларида ходимлар ўртасида «Касаба уюшмалари ҳарбийларга» акцияси доирасида «Қуролли Кучларимизнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни ва роли» мавзусида маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ДХХ чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларда ҳам ўтказилди.

Вилоят Ички ишлар бош бошқармасида хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ҳамда фахрийларнинг 55 нафарига эсдалик совғалар тақдим этилди.

Янгийўл шаҳар ҳокимлигида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон тумани ҳамда шаҳар кенгашлари «Спорт саломатлик гарови» шиори остида спорт мусобақаси ташкил этди.

Қибрай туманидаги «Баҳор» тантаналар мажмуида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан 10 нафар ҳарбийга касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари тантанали топширилди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ватанпарварлик ойлигидаги тадбирлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

Шахноза ОДИЛХОНОВА,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси «Маданий-маърифий ва спорт ишлари» бўлими мудири

Сурхондарё вилояти | Фестиваль

Миллий юксалиш кафолати!

Термиз шаҳрида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ҳарбий ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда дастлаб тинчлигимиз йўлида жон фидо этганлар хотираси ёд этилиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг, тинчлигимиз посбонлари бўлган ҳарбийлар ва ҳарбий техникаларнинг шаҳар кўчалари бўйлаб намойиши бошланди. Намойишни кузатаётган ёшлар ва кенг жамоатчилик уларни кучли ҳаяжон, кишини завқлантирадиган, юрагини ғурурга тўлдирадиган ҳайқириқлар билан олқишларди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбирлари вилоятда кенг қамровли ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

XalqBanki жамоаси

барча юртдошларимизни ва ҳарбий соҳа вакилларини 14 январь — "Ватан ҳимоячилари куни" билан табриклайди.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, бунда, албатта, ватанимиз посбонларининг ҳиссаси беқиёс. Уларнинг тинчлигимиз йўлидаги машаққатли ва юксак хизматларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Мамлакатимиз қалқони бўлиш ҳар бир ўғлонимизга насиб этсин!

Шу билан бирга, халқимизга банкимизнинг янги хизмат турларини таклиф этамиз:

"КОБЕЙЖИНГ" КАРТАЛАРИ
Халқ банки "Кобейжинг" карталари Ўзбекистон ҳудудида миллий валютада, 170 дан ортиқ давлатларда ушбу давлат валютасида нақд пул ечиш ва тўлов қилиш имконини беради. Бунинг учун алоҳида халқаро тўлов картаси очиш ва конверсия қилиш шарт эмас.

"GOLD CREDIT" "КОБЕЙЖИНГ" КАРТАСИ
бу картани очиш 100 000 сўм. Пластик картага хизмат кўрсатиш учун йиллик БҲМнинг 1 баробари миқдорида банк хизмати ундирилади. Ажратилган кредит бўйича имтиёзли давр — 30 кун, фоиз ставкасида кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 33 фоиз ундирилади.

"КОБЕЙЖИНГ БИЗНЕС" ВА "КОБЕЙЖИНГ КОРПОРАТИВ" КАРТАЛАРИ
юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга бизнесни ривожлантириш учун янада кўпроқ имкониятлар ҳамда енгилликлар яратиш учун тақдим этилмоқда.

Ватанимиз сарҳадлари осуда бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

Муддатли ҳарбий хизматга келган аскарларга боқиб, уларнинг хизматга келган илк кунларини кўз ўнгимга келтираман. Кўзида бирмунча ҳадик бўлган ёшгина йигитчаларнинг бугун қалби шижоатга тўлган.

Туйғу

Улар юрт ҳимоячиси

Нигоҳлари теран, ўзига бўлган ишончи босган қадамида кўриниб туради. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир бугун улар Ватан ҳимоячиси. Эгнига ҳарбий кийимни кийиб, хизмат вазифасини сидқидилдан бажаришга қасам ичган. Ўтган вақт мобайнида ҳарбий билим ва жанговор кўникмалар билан биргаликда аниқ ва гуманитар фанларни ҳам ўзлаштиришга улгурган.

Шуларни кўриб, ўзимнинг ҳам хизмат даврим кўз олдимдан ўтади. У даврларда ўзбек йигитлари юртидан узоқда, асосан қурилиш ишларига жалб қилинар эди. Баъзилари эса ҳарбий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш у ёқда турсин, ҳатто қўлига ҳарбий қурол-аслаҳаларни олиб, яқиндан танишмас эди. Ҳарбийлар ўртасида «дедовшина» деган бало кўпчилигининг майиб-мажруҳ бўлишига ҳам сабаб бўларди.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда юз бераётган ходисалар, айниқса, биз ҳарбийлар зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Қуролли кучларни модернизация қилиш, демакки, янада юксалтириш салоҳият ва қудратини, ҳар қандай тажовузга ўз вақтида, муносиб зарба бериш қобилиятини ошириш, улуғ неъмат бўлмиш тинчликни кўз қорачиғидек асраш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун стратегия ва тактикани тинимсиз такомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш бўйича замонавий тажрибани пухта эгаллашга катта эътибор берилмоқда.

Нигоҳлари теран, ўзига бўлган ишончи босган қадамида кўриниб туради. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир бугун улар Ватан ҳимоячиси.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бугунги кунда миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибани ўзлаштириб, юртимиз хавфсизлигини таъминлаб келмоқда. Бу ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар самараси ҳисобланади.

Қаддини баланд тутиб, вужудида Ватан тинчлигини ўзининг шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурчи деб, Ватанни ҳимоя қилишдек буюк вазифани муносиб бажариб келаётган йигитларга қараб ҳамиша «Сиз борсиз, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлади», дея қалбим ғурурга тўлади.

Шуҳрат САИДОВ,
Қоровул қўшинлари Н-ҳарбий қисм батальон командири ўринбосари, майор

Ҳикмат

Она Ватанини севиш ҳар бир кишининг қалбида ғайрат ва шижоат уйғотади.

Алихонтўра СОҒУНИЙ

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича), Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб - «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-25
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А.Абдураҳмонов
Мусаҳҳиҳлар: С. Шодиева, Д. Орипов, З. Холмуҳаммедова
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – 03:30
Топширилди – 05:00

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 117. 30688 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130